

**ОИЛАДА ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ
ОЛИШҲАМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ВА
АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ
ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАР.**

Мухитдинова Дилдора Алишер қизи

“Оила ва Гендер” илмий-текшириш институти ҳодими

Мақолада оилада тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш ҳамда гендер тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган масалалар юзасидан фикр юритилади.

Маълумки, жамиятнинг асоси оила ҳисобланади. Оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги жамият тинчлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Ҳар бир оила кичик давлатдир. Оилада фарзанд вояга етади. Фарзанднинг комил инсон бўлиб улғайиши давлат тизими мустаҳкамлигининг гаровидир. Айнан шу нуқтаи назардан давлат оилада соғлом муҳит яратилишига масъулдир.

Оилада тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, аёлларни таҳқирлаш ва камситишлардан озод қилиш масаласи давлат олдига қатор вазифаларни қўяди. Тазйиқ ва зўравонликка қарши чора-тадбирлар қўришда унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари чуқур таҳлил қилинади.

Оиладаги тазйиқ ва зўравонлик муаммоларини ҳал қилиш гендер тенглик тамойилларини жорий этиш билан боғлиқдир. Гендер тенгликка эришиш ва ҳар қандай дискриминацияга йўл қўймаслик бугуннинг кун тартибида асосий масала.

Гендер тенглик на фақат инсон учун ҳуқуқий асос, балки дунё ҳамжамиятининг ютуқлари, гуллаб яшнаши ва ривожланишининг ҳам асосидир. Гендер тенглик натижасида оиладаги тазйиқ ва зўравонликка барҳам бериш, аёлларнинг турмуш тарзини енгиллатиш, аёлларнинг жамиятдаги аҳволини юқори поғонага кўтариш - буларнинг бариси аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ҳаракатлардир.

Ўзбекистон Республикаси “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” га оид вазифани ишлаб чиқди. Бу вазифа қўйган мақсадга кўра хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва имкониятларни таъминлаш зарур. Кейинги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча

йўналишларда олиб борилмоқда. Бу йўналишлар аёлларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, аёлларни ҳимоя қилиш институцион асосларини такомиллаштириш, гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардарликни ошириш кабилардан иборат.

Бу йўналишларни амалга оширишда марказлар ва нодавлат ташкилотлари фаолияти жуда муҳим. Минг йиллардан бери долзарб бўлиб келган аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизлик муаммоларини ҳал қилиш бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмагани дунё ҳамжамиятларининг ҳамкорлигини тақозо этади. Бу йўналишдаги ҳаракатлар статистик маълумотларга асосланган ҳолда олиб борилади. Статистик маълумотларга таяниш ишнинг боришини анализ қилиш имконини беради. Ўтган йиллар мобайнида қилинган сай-ҳаракатлар натижаси солиштирилганда эришилган ютуқлар ва камчиликлар юзага чиқади. Айнан шу нуқтаи назардан аёллар устидан қилинган жиноятлар, оиладаги тазйиқ ва зўравонликлар ўз хулосасини топади.

Аёлларга нисбатан оилада тазйиқ ва зўравонликни олдини олишнинг муҳим йўналиши ҳуқуқий саводхонлик билан боғлиқ. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият инсонни ўз ўзини англаш, ўз ўзини намоён қила билиш, гендер тенглик моҳиятини тушуниб етиш ва уни ўзига нисбатан қўллаш имкониятини беради. Ҳуқуқий саводхон аёл ўзининг бошқалар ва яқинлари томонидан бевосита ёки билвосита камситилишига йўл қўймайди. Ўзи ҳам бошқаларни камситмайди. Ўзини ва яқинларини ҳимоя қила олади. Ўзида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантира олган аёл жамиятнинг ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган шахсга айланади. Бундай аёлларни таҳқирлашга эркаклар ҳам ботина олмайдилар. Аёл ўзининг ақлий, илмий, маънавий, маданий, сиёсий, ижтимоий жиҳатлардан эркаклардан кам эмаслигини тушунган вақтда эркак ҳам у билан ҳисоблаша бошлаганини сезади. Ўз қарашлари, илми, салоҳияти билан дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлади. Жамият аёлни ана шундай мавқега кўтарилишига йўл очиб бериши, уни қўллаб қувватлаши лозим ва шарт.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Права женщин в системе прав человека международный и национальный аспект. Поленина С. В. М.: 2000.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ кафолатлари” тўғрисидаги қарори, ЎРҚ-562-сон. 02. 09. 2019
3. Насилие над женами в современных российских семьях. Горшкова И.Д. Шурыгина И.И. М.; МАКС Пресс. 2003.
4. Ёшлар ва конфликтлар: Конфликтлар ечимини ўрганиш. Туйчиева Г.У . Тошкент. 2008.
5. Adilova, A. S. (2021). Corpora and corpus-based teaching Uzbek to foreigners. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU), 8(4), 525-531.
6. Shavkatbekovna, S. T. (2023). Speech genres of congratulations, praise and compliments. JOURNAL OF LANGUAGE AND LINGUISTICS, 6(4), 285-289. Mamatova, N. K., Israilova, N. K., Mamatov, R. R., & Sodikov, D. K. (2021).
7. Abdurahimovna, A. S. (2021, December). Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida). In Conferences.
8. Adilova, S. A. O ‘ZBEK TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O ‘QITISH: TAJRIBA, MUAMMO, ISTIQBOL.
9. Ravshanova, N. N. (2023). Designing Modern Models of Biological Education Theories and Content in Educators. Telematique, 22(01), 3034-3040.
10. Ravshanova, N. N. (2020). THE PRINCIPLE OF CONTINUITY IN ENVIRONMENTAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(6), 369-374.
11. Norboyevna, R. N., & Shukurullaev, A. O. (2024). MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTIDA EKOLOGIK TEATRNI TASHKIL ETISH ORQALI EKOLOGIK KONSEPTUAL ASOSLARINI SHAKLLANTIRISH. Inter education & global study, (7), 158-164.
12. Ravshanova, N. N., & Norqulova, L. S. Q. (2023). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI EKOLOGIK TARBIYALASHDA IJTIMOY ZARURIYAT SIFATIDA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(11), 685-692.
13. Avezova, D., & G’ulomova, S. (2024, November). O’QUVCHILARDA MATN YARATISH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VA UNING ILMIY ASOSLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 11, pp. 386-389).
14. AVEZOVA, D. ESSE-O ‘QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRUVCHI VOSITA. LTEACHIN ANGUAGE, 143.

15. Avezova, D. (2024). O 'QUVCHILARDA ESSE YOZISH MALAKASINI SHAKLLANTIRISH ZARURATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 4(20), 90-94.

16. Ishanova, N. (2023). MAIN DIRECTIONS OF OPTIMIZATION OF TEACHING RUSSIAN AS A NON-NATIVE LANGUAGE TO VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B8), 52-55.

17. Nargis, I. (2022). RUS TILINI O 'QITISHDA ZAMONAVIY INTEGRATIV METODLAR. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 1(3), 73-76.

18. Ишанова, Н. Р., & Назирова, З. Р. (2023). ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК ИНОСТРАННОГО СТУДЕНТАМ-ВЕТЕРИНАРАМ НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ ОБУЧЕНИЯ. Science and innovation, 2(Special Issue 8), 1596-1598

